

РАҲБАР ОДОБИ

Маҳмудов Юсуп Ғаниевич,
Денов тадбиркорлик ва педагогика институти профессори,
педагогика фанлари доктори; Тел.: 94 621-15-02.

Аллаёров Джура Хайкалович,
Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини
мувофиқлаштириш бошқармаси жамоат тартибини сақлаш бўлими бошлиғи,
подполковник. Тел.: 97 407-06-02.

Аннотация

Мақолада раҳбар одоби юксак маданий, маънавий, маърифий, мафкуравий, ахлоқий, эстетик меъёр, талаб, мезон ва принциплар муштарақ бўлган эркинликка асосланади. Раҳбар нафақат ўзи эркин бўлиши, балки ўзи раҳбарлик қилаётган жамоа аъзоларининг ҳам эркинларини ҳурмат қилиши лозимлиги ҳақида фикр-мулоҳаза юритилган.

Калит сўзлар: маданий, маънавий, маърифий, мафкуравий, меъёр, талаб, мезон, принцип, фаолият, қонун, одоб, муносабат, мос, одиллик, қадрият, тадбиркор, хусусият, шартнома.

Аннотация

В статье говорится, что этикет лидера основан на свободе, в которой общими являются высокие культурные, духовные, образовательные, идеологические, моральные, эстетические нормы, требования, критерии и принципы. Лидер рассудил, что он должен не только быть свободным, но и уважать свободу членов команды, которой он руководит.

Ключевые слова: культурный, духовный, образовательный, идеологический, норма, требование, критерий, принцип, деятельность, закон, этикет, отношение, соответствие, справедливость, ценность, предприниматель, характеристика, контракт.

Annotation

The article says that the etiquette of a leader is based on freedom, in which high cultural, spiritual, educational, ideological, moral, aesthetic norms, requirements, criteria and principles are common. The leader reasoned that he should not only be free, but also respect the freedom of the members of the team he leads.

Keywords: cultural, spiritual, educational, ideological, norm, requirement, criterion, principle, activity, law, etiquette, attitude, conformity, justice, value, entrepreneur, characteristic, contract.

Рақбар одоби юксак маданий, маънавий, маърифий, мафкуравий, ахлоқий, эстетик меъёр, талаб, мезон ва принциплар муштарак бўлган эркинликка асосланади. Рақбар нафақат ўзи эркин бўлиши, балки ўзи рақбарлик қилаётган жамоа аъзоларининг ҳам эркинликларини ҳурмат қилиши лозим.

Рақбар фаолиятига ҳеч ким қонунсиз аралашуви мумкин эмас. Шу билан бирга рақбар ҳам ўзи рақбарлик қилаётган аъзоларининг меҳнат фаолиятига қонунсиз ҳалақит бермаслиги зарур.

Рақбар бўйсунувчи ходимларининг майда-чуйда камчиликларига бардошли бўлиши, уларга ўзига ишонгандай ишониши керак. Ўзаро келишмовчиликларга йўл қўймаслик рақбарлик одобининг муҳим тамойили.

Ўзаро муносабатларда баъзан ҳар хил келишмовчиликлар, фикрлар хилма хиллиги, қарашларнинг тўла бўлмаган мослиги ҳам бўлиб туради. Шунинг учун одоб рақбарга жуда зарур бўлган энг муҳим фазилатлардан. Рақбарлик одоби айти пайтда ўзаро тенгликка, одилликка асосланади. Бу нарса томонларнинг ўз фаолиятларини объектив баҳолашларига ёрдам беради. Маълумки, рақбарлик умуминсоний кадрят ҳисобланади. Бутун дунё ишбилармон рақбарларига хос тадбиркорлар одобининг яна бир маънавий, маърифий хусусияти – ваъдага вафо қилиш, уни сўзсиз бажариш. Унга кўра, икки томон бир нарсага ахдлашган шартномани, шартномавий мажбуриятни бажаришлари шарт. Борди-ю, улардан бири бу мажбуриятни бузса, нафақат мажбурият олган тадбиркор ёки рақбар, балки бошқа барча тадбиркорлар ҳам у билан муносабатларини узишлари, бошқа муносабат ўрнатмасликлари мумкин. Замон, давр талаби шунақа бўлиб бормоқда.

Рақбарлик соҳасидаги тадбиркорликнинг шундай олтин қонидаси бор: тадбиркор ўз харидорини ўйлайди, унинг учун қайғуради, бозор эса ўзини ўйлайди, ўзи учун қайғуради, айти шу йўл билан тадбиркор рақбарнинг обрўси шаклланади. Бу мавқе анча қийинчиликлар, жуда кўп саъй-ҳаракат билан юзага келади. Лекин шуниси ҳам борки, рақбар қийинчилик билан эришган обрў-эътиборини арзимас бир нотўғри хатти-ҳаракати билан йўқотиб қўйиши ҳам мумкин. Қилинган телефонга ёки шикоят, арз битилган хатга вақтида жавоб қайтармаслик, яъни мижозга қўполлик қилиш, эътибор бермаслик, манманлик шулар жумласидан.

Умуман, рақбар ўз обрўсини сақлаши учун жуда кўп ахлоқий, маънавий-маърифий талабларга риоя қилиши зарур. Ҳатто рақбарнинг нутқ маданияти, муомаласи, қийиниши, кўриниши, ўзини жамоа олдида тута билиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Рақбар замонавий ишбилармонлик ёки бизнестда муваффақиятга эршиши учун қуйидагиларга қатъий риоя қилиши зарур:

- 1) раҳбар шерикларига, ҳамкорларига, жамоа аъзоларига берган ваъдасини доим ўз вақтида бажариши керак;
- 2) раҳбар мағрурланиб кетмаслиги, жамоа ўртасида камтар, ўзига ортиқча баҳо бермаслиги лозим;
- 3) раҳбар фақат ўзининг нуқтаи назарини, фикрини ўтказиш эмас, ўзгаларнинг ҳам фикри билан ҳисоблашиши зарур;
- 4) раҳбар ҳамкорларнинг билими, кўникмаси, малака ва компетенцияларини, топқирлик қобилиятларини ҳам қадрлаши лозим;
- 5) раҳбар ўзининг иштироки зарур бўлган масалаларнигина ҳал қилишида қатнашиши шарт;
- 6) раҳбар шериклари ва қўл остидаги ходимларни мақташ, керак бўлса, рағбатлантириш, маъқуллаш бу каби тадбирларни жамоатчилик олдида амалга ошириш даркор;
- 7) раҳбар шерикларининг таклифларини эътибор билан тинглаши, тўғри бўлса, иш фаолиятида фойдаланиши, нотўғри бўлса, хушмуомалалик билан улардан воз кечиши лозим;
- 8) раҳбар жамоа олдида ўзини йўқотиб қўймаслиги зарур;
- 9) раҳбар фаолиятидаги ҳар бир хато ва камчиликларни синчиклаб таҳлил қилиб, керакли хулоса чиқариб бориши лозим.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 592 бет.
2. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. –Б. 22.
3. Леватев Н.Д. Психологических особенности человека. –М., 1968. -41 с.
4. Скрябин Б.Д. Общественное настроение. – М., 1968. -41 с.
5. Махмудов Ю.Ғ. Раҳбар – бошқарув кўзгуси. – Тошкент: Тафаккур, 2022. – 368 бет.